

## **“Навоийуран” давлат корхонаси Бош директорининг МУРОЖААТИ**

### **Хурматли ходимлар, корхонамиз ҳамкорлари, ватандошлар!**

Бизнинг асосий қадриятларимиз ҳалоллик, шаффофлик ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз муҳитни яратишга корхонанинг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

Биз дунёни қувватлантирадиган энергетик манбанинг ишлаб чиқарувчиси сифатида давлат ва жамият олдида катта масъулиятга эгамиз. Биз уран ишлаб чиқаришни жамият ва келажак авлодлар манфаати учун юксак ахлоқий стандартларга риоя қилган ҳолда ҳаллоллик билан олиб боришимиз жуда муҳимдир. Шу сабабли ҳалолликни бизни барқарор ўсишимизни таъминлайдиган етакчи тамойил сифатида қабул қилайлик.

Шаффофлик, очиқ мулоқот ва ҳисобдорликни ривожлантириш орқали биз манфаатдор томонлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаймиз.

Биз тизимда барча даражадаги коррупцияга қарши курашишимиз керак. Корхонадаги коррупцияни аниқлаш ва ҳал қилишдаги ҳушёрлик бизнинг нуфузимиз ва саноат фаровонлигимизни ҳимоя қилиш учун жуда муҳимдир.

Экологик назорат, ижтимоий ҳимоя ва самарали бошқарувнинг юқори стандартларига мослашишга интилишимиз зарур. Биз барқарор ривожланишни биринчи ўринга қўямиз, атроф-муҳитга таъсиримизни минималлаштирамиз, ходимларнинг саломатлиги ва хавфсизлигини қадрлаймиз.

“Навоийуран” давлат корхонасини коррупциядан ҳоли тизимга айлантиришга ҳисса қўшадиган ҳар бир ходим ва фуқарони қўллаб-қувватлашга тайёрмиз ҳамда бу борадаги ташаббусларини ижобий қарши оламиз.

Шу нуқтаи назардан, биз коррупция билан боғлиқ бўлган таклифлар, аризалар ёки шикоятлари бўлган ҳар бир ходим, корхона ҳамкорлари ва жамоатчиликни бефарқ қўзғатувчи бўлиб қолмасдан, балки корхонанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши фаолият” бўлими, [navoiyuran.antikor.bot](https://navoiyuran.antikor.bot) – телеграм боти, [info@navoiyuran.uz](mailto:info@navoiyuran.uz) ва ишонч телефони (79-507-00-55) хабар бериш орқали ўзининг корхонада амалга оширилаётган коррупцияга нисбатан мутлақо тоқатсизлик сиёсатига нисабатан фаол позицияни намоён этишга чақирамиз.

Биз ҳар бир хабар белгиланган тартибда кўриб чиқилишига ва агар коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақидаги хабар ўз тасдиғини топган тақдирда, айбдор шахслар адолатли жазога тортилишига кафолат берамиз.

Мен ҳар бирингизни корхонамизнинг қадриятларини қабул қилишга, коррупцияга қарши мурасасиз бўлишга чақираман. Коррупциядан ҳоли ёрқин ва барқарор келажак сари саёҳатимизга содиқлигингиз учун ташаккур.

Хурмат билан,

**“Навоийуран” давлат корхонаси**

**Бош директори**

**Дж.С.Файзуллаев**